

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Иминов Фарходжон Тохиржонович

“Yashil energiya” МЧЖ, йиғма ахборот-таҳлили бўлими бошлиғи

Иқтисодий барқарорликни таъминлашда энергия самарадорлигини ошириш жуда муҳим омил ҳисобланади. Бу жараён нафақат иқтисодий ўсишга туртки беради, балки ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ташқи энергияга бўлган боғлиқликни камайтиришга ҳам хизмат қилади. Ҳозирги цивилизациянинг ривожланиш босқичида барқарор ривожланиш концепциясини амалга оширишга объектив зарурият пайдо бўлди. Унинг асосий мақсади — глобал муаммоларни ҳал қилишда экологик, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ёндашувларни мувофиқлаштиришдан иборат. Ушбу муаммолар орасида энг устувор ўринни энергетик ва экологик хавфсизликни таъминлаш, энергияни тежаш ва энергетик ресурслар ҳамда энергияни самарали ишлатиш, шунингдек, энергия технологияларига анъанавий бўлмаган қайта тикланувчи энергия манбаларини жалб қилиш ташкил этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам энергия сиёсатида қайта тикланувчи энергия манбаларига (куёш, шамол) ўтиш стратегик устувор йўналишга айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия таъминотини ташкил этиш соҳасини тартибга солиш ва ривожлантириш мақсадида 2023 йил 1 апрелдан “Қуёшли хонадон” дастури доирасида куёш панеллари ўрнатган жисмоний шахсларга ишлаб чиқарилган ва ягона электр энергетика тизимига узатилган ҳар бир киловатт-соат электр энергияси учун 1000 сўмдан субсидия ажратилиши белгиланган [2]. Солиқ кўмитасининг ахборот хизмати берган маълумотларга кўра [3], бунинг натижасида, 2024 йилнинг январь-октябрь ойларида 6 536 нафар жисмоний шахс ушбу дастурдан фойдаланиб, электр тармоқларига ўтказилган куёш энергияси учун 10 млрд 563 млн сўм (10 миллион 563 минг 890 кВт/соат) давлат бюджетидан субсидия олди. Субсидиянинг энг катта қисми Хоразм вилояти (2,4 млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (1,7 млрд сўм) ҳамда Тошкент шаҳри (1,4 млрд сўм)га тўғри келди. Олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистонда табиий газ казиб олиш қисқариб бормоқда.

2018–2024 йиллар оралиғида табиий газ казиб олиш ҳажми 35,4 фоизга қисқариши кузатилган. Статистика агентлиги берган расмий маълумотга кўра, 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида Ўзбекистон 44,6 миллиард куб метр табиий газ ишлаб чиқарди, бу 2023 йилга нисбатан 4,5 фоизга камайишни ташкил этмоқда. 2022 йилда ҳам газ казиб олиш 53,8 млрддан 51,67 млрд куб метргача ёки 4 фоизга, 2023 йилда эса 51,67 млрддан 46,71 млрд куб метргача ёки 9,6 фоизга қисқарган.

Табиий газ қазиб олиш ҳажмининг қисқариши Ўзбекистонни ресурс тежамкор технологиялар, рақамлаштириш, ҳамда муқобил энергия манбаларига ўтишга мажбур қилаётган асосий омиллардан бири бўлмоқда. Бу ҳолат давлат сиёсатининг “яшил иқтисодиёт” ва барқарор ривожланишга қаратилганини тасдиқлайди.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ақлли уй технологиялари ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш орқали табиий газ истеъмолини сезиларли даражада камайтириш мумкин. Биргина мисол, агар табиий газга уланган бир хонадон ойига ўртача 500 куб метр газ ишлатса ва 1 куб метр газнинг нархи 1 000 сўм бўлса, ойлик харажатлар тахминан 500 000 сўмни ташкил қилади (таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткичлар ўртача қийматлар бўлиб, аниқ истеъмол миқдори ҳар бир хонадоннинг шароитлари ва фаолиятига қараб ўзгариши мумкин). Ҳисоб-китобларга кўра, агар худди шу истеъмол автоматлаштирилган иситиш тизимидан фойдаланилса 20 фоиздан 50 фоизгача тежамкорликка олиб келади. Бу ойига 100,000-250,000 сўм иқтисодий фойда келтиради. Агар хонадонда қуёш панеллари ва қайта тикланувчи энергия манбалари мавжуд бўлса, сув иситиш ва электр энергияси учун 50-70% газ тежамкорлик беради. Бу ойига 250,000-350,000 сўм иқтисодий фойда демакдир. Агар газ тежаш орқали ойига 200,000-350,000 сўм тежалса, йиллик тежамкорлик 2,4 – 4,2 млн сўм атрофида бўлади.

Табиий газнинг қайта тикланмайдиган ресурс эканлиги унинг тежаш учун энг катта сабаб бўлиб, муқобил энергия сарфламаслик ортидан давлат ва жамият бир қатор жиддий оқибатларга, хусусан, импортга бўлган эҳтиёж ортиб, валюта сарфлари кўпайишига, давлатнинг компенсация, субсидия ва импорт харажатлари ортишига, кўпроқ углерод гази (CO_2) ва метан атмосферага чикиб, иқлим ўзгариши ва аҳоли саломатлигига жиддий зарар келтириши, энергия танқислиги туфайли айрим соҳаларда ишлаб чиқариш қисқариши ва иш ўринлари йўқолиши кабиларна сабаб бўлиши мумкин. Албатта бунда нафақат давлат, балки аҳолининг ўзи ҳам келажагини ўйлаган ҳолда биргаликда муаммога тўғри ечим излаши, фуқаролар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлардан чекланиши лозим.

Табиийки, ресурс ноёблашган сари унинг нархи ҳам ортиб бораверади, бу эса коммунал тўловларнинг ортишига, давлат бюджетидан маблағлар керакли соҳалар ўрнига газ таъминоти учун, унинг импорти учун сарфланишига, иқлим ўзгариши, хаво ифлосланиши ва унинг натижасида аҳоли ўртасида турли касалликларнинг авж олиши каби бирқанча салбий оқибатлар келиб чиқаверади. Ҳозир газ орқали иситишни узоқ муддатли ечим сифатида қарайдиган давр эмас, балки глобал миқёсда дунё минбарларининг бош мавзусига айланаётган муаммолардан биридир. Бугун масалага жиддий қарамай бу каби фикрлар учун бир-биримизни масҳара қилиб, табиий газни тежамасак, иқтисодий, экологик ва энергетик хавфлар ортиб бораверади. Табиий газни самарали ишлатиш нафақат иқтисодий манфаат, балки мамлакатнинг барқарор ривожланиши, аҳолининг фаровонлиги ва экологик хавфсизлиги учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис тежамкорликни таъминлаш нафақат таклиф, балки стратегик зарурат ҳисобланади. энергия самарадорлигига эътибор бериш жуда муҳим ва давр талабидир.